O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HOKIMI QARORI

2022 - yil 5 - avgust 409-3-0-Q/22 Jizzax viloyati hokimligi

Ғаллаорол тумани ҳокимининг 2021 йил 20 февралдаги 261-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш ва Ғаллаорол тумани ҳокимининг 2022 йил 20 июндаги 01-310/М сонли хати ҳамда Ғаллаорол тумани ҳокимининг 2021 йил 20 февралдаги 261-сонли қарорида келтирилган хато ва камчиликларни жойида ўрганиш бўйича туман ишчи гуруҳининг далолатномасини инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддаси ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ғаллаорол тумани ҳокимининг 2022 йил 20 июндаги 01-310/М сонли хати ҳамда Ғаллаорол тумани ҳокимининг 2021 йил 20 февралдаги 261-сонли қарорида келтирилган хато ва камчиликларни жойида ўрганиш бўйича туман ишчи гуруҳининг далолатномаси инобатга олинсин.

2. Ғаллаорол тумани ҳокимининг 2021 йил 20 февралдаги 261-сонли қарорида келтирилган “Саврук маҳалла фуқаролар йиғини” сўзлари “Қўйтош ШФЙ” сўзларига алмаштирилсин.

3. Ғаллаорол тумани ҳокими **(Ж.Оқбоев)**га Ғаллаорол тумани ҳокимининг 2022 йил 20 июндаги 01-310/М-сонли хатида келтириб ўтилган хато ва камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чоралар кўриш ва натижаси юзасидан **уч кун**

муддатда вилоят ҳокимлигига ахборот киритиш ҳамда мазкур қарор билан манфаатдор томонларни хабардор қилиш вазифалари топширилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари **О.Ашурматов** ҳамда вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи **Б.Бобоқулов** зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**